

Болаларда ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришнинг аҳамияти

Дилафруз Дадамирзаевна Ориббоева
Дилрабо Махмудовна Мирзаахмедова
Наманган давлат педагогика институти

Аннотация: Маълумки янги туғилган чақалоқ жамиятда яшайди ҳамда бутун ҳаёти мобайнида яшаётган жойига, одамларга, ўша ердаги мавжуд урф-одатлар ва қадриятларга мослашиб боради. Биламизки ушбу мослашувнинг силлиқ кечиши болаларда ижтимоий ва мулоқот қобилиятларини ривожлантириш жараёни билан узвий боғлиқ. Нима учун болаларда кичиклигидан бошлаб ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш муҳим?

Калит сўзлар: хис-туйғу, инсон, урф-одат, мулоқот, мунозара, мослашув, малумот, ижтимоий куникма, адаптатсия, ахлокий сифатлар

The importance of developing social skills in children

Dilafruz Dadamirzaevna Oribboeva
Dilrabo Makhmudovna Mirzaakhmedova
Namangan State Pedagogical Institute

Abstract: It is known that a newborn baby lives in society and adapts to the place where he lives, to the people, to the existing customs and values throughout his life. We know that the smooth passage of this adaptation is inextricably linked with the process of developing social and communication skills in children. Why is it important to develop social skills in children from an early age?

Keywords: emotion, human, tradition, communication, discussion, adaptation, information, social life, adaptation, moral qualities

Ҳар бир бола ўсиб улғайган сари атрофдаги одамлар билан кўпроқ муносабатда бўлади. Унинг қанчалик хушмуомалалиги, ўз фикрлари ва хис-туйғуларини қандай намоён этиши, одамларнинг сўзлари ва ҳаракатларига қандай муносабатда бўлиши кўп жиҳатдан унинг ҳаётда, мактабда ва шахсий ривожланишида муваффақият қозонишини аниқлаб беради.

Маълумки янги туғилган чақалоқ жамиятда яшайди ҳамда бутун ҳаёти мобайнида яшаётган жойига, одамларга, ўша ердаги мавжуд урф-одатлар ва қадриятларга мослашиб боради. Биламизки ушбу мослашувнинг силлиқ кечиши

болаларда ижтимоий ва мулоқот қобилиятларини ривожлантириш жараёни билан узвий боғлиқ. Нима учун болаларда кичиклигидан бошлаб ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш муҳим? Маълумки, бола кишилиқ жамиятида яшар экан у бошқалар билан шахслараро муносабатларда мулоқот қилиш, тинглаш, ахборот айрибошлаши бошқаларга ҳамдард бўла олиши ва ўзининг ҳис-туйғуларини ва хатти ҳаракатларини назорат қилиши лозим.

Демак ижтимоий кўникмалар болада ўзи яшаётган дунё, жамиятдаги ўз ўрни, одамларнинг бир-бири билан қандай муносабатда бўлишлари ҳақида билим олиш фонида пайдо бўлади. Бошқаларнинг мулоқот усулларини ўзлаштириб, уларни ўзида синаб кўриш орқали бола мослашувчан ўзаро таъсир қилиш кўникмаларини эгаллайди.

Бола ўзлаштириши лозим бўлган ижтимоий кўникмаларга қуйидагилар киради:

- умумий қабул қилинган хулқ-атвор усулларини ўзлаштириш;
- ўз позициясини тушунтириш ва бирор нарса ҳақида музокара қила олиш қобилияти;
- ҳис-туйғуларни ифода эта олиш;
- суҳбатдошини тинглаш;
- бошқаларга талаблар қўйиш ва юзага келадиган турли низоларни ҳал қилиш.

Ижтимоий кўникмаларнинг намоён бўлиши оғзаки ёки имо-ишоралар, тана тилининг барча воситалари орқали бўлиши мумкин. Бу барча жихатларни ўзлаштиришнинг узок даври ижтимоийлашув деб аталади. Боланинг ижтимоийлашувида эса мулоқот энг катта аҳамиятга эга бўлади.

Мулоқот кишилар ўртасидаги ўзаро ахборот айрибошлаш, бир-бирини тушуниш ҳамда таъсир кўрсатиш воситаси ҳисобланади. Инсонга ўз фикрларини тушунтиришга ёрдам берадиган ҳамма нарса мулоқот қобилиятлари билан боғлиқ. Бирор киши маълумотни бошқаларга қанчалик аниқ етказса, ҳамда уни тинглаётган шахс унга айтмоқчи бўлган фикрни қанчалик яхши тушунса, ўйинда, ўқишда ва кундалиқ ҳаётда шериклар билан муносабатларни ўрнатиш осонроқ бўлади. Ҳаётда ижтимоий кўникмалар катта аҳамиятга эга бўлиб, турли ёш даврларида турлича номоён бўлади.

Бола боғчага чиққунга қадар оилада катта бўлади ва энг кўп вақти ота онаси ҳамда яқинлари қуршовида ўтади. Фақат оиладаги шахсларо муносабатларни кўриб ўзлаштирган болада кенг жамоатчилик орасида мулоқот қилиш жараёнига қийинчилик юзага келади. Чунки у фақатгина атрофдаги кишиларнигина таниши, улар билан муносабат ўрната олиши билангина чекланган. Ўз-ўзидан бу нарса унинг жамият билан муносабатларида нохушлиқларни пайдо қилади. Оддийгина бошқ болалар билан танишиш ёки

тенгдошлари билан боғланиш ҳам кези келганда жамиятга қўшилмаган болалар учун муаммодир.

Улар турли хил саволларга жавоб беришдан уяладилар ва пайдо бўлган муносабатни қандай сақлашни билишмайди. Уларга ҳамдардлик, ва бошқаларга муносабатларини ифодалаш анча сустр бўлади. Натижада бола ўзини жамиятда ташқарида ҳис қилади. Бола мулоқотнинг ижтимоий нормаларини ўзлаштириш имкониятини йўқотади, ахлоқий ва ахлоқий кўрсатмалар ҳақидаги билимлар етишмайди. Болалар гуруҳида ўз тақдирини ўзи белгилаш, қарорлар қабул қилиш каби хусусиятлар унга катта қийинчиликлар туғдиради ҳамда болада ўзини ўзини паст баҳолаш пайдо бўлади.

Болаларда ижтимоий кўникмаларнинг ривожланиши табиий кундалик мулоқот билан оилавий муҳитда бошланади ва боғча, мактабларда давом эттириб борилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ёш даврининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда болаларда ижтимоий кўникмаларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Катта ёшдагилар эса болаларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишларини, турли ёшдаги одамлар билан мулоқот қилиш чегараларини белгилашни ўрганишларини, ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўрнини топа олишларини таъминлашлари керак.

Афсуски, баъзи ота-оналар баъзан ўз фарзандларига инсоний мулоқот ва тўғри хулқ-атвор сирларини ўргатишга ҳам вақт тополмайдилар. Бу борада ота-оналар боладаги қуйидаги жихатларга эътибор қаратишлари лозим.

Боланинг ким билан ҳамда қандай мулоқот қилишига эътибор бўлиш, фарзанларнинг ижтимоий доирасини кенгайтириш, турли ижтимоий вазиятларда ўзини бошқара олиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда болада ўзини менини баҳолаш билан билан боғлиқ меъёрларга ўргатиш, мулоқотда ёш билан боғлиқ чегарларни фарқлаш, ўз ҳис-туйғуларини ҳамда бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини тушунишни ўргатиш мақсадга мувофиқ.

Мактабгача ёшдаги даври боланинг шахсиятининг ривожланиши учун жуда муҳим давр. Бу босқичда у атрофидаги дунё ҳақида кўп нарсаларни билиб олади ва ўзини жамият аъзоси сифатида кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу даврда мактабгача ёшдаги ижтимоий ва мулоқот қобилиятларини ривожлантириш имкониятини бой бермаслик керак. Бундан ташқари бу даврда бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни фаол равишда ўзлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-харакатларни, тилни, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, хобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилмоғи керак. Асосан, шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Боғча ёшдаги болаларга бериладиган тарбия, уларнинг мураккаб ҳаракатларини

ўзлаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакаларини шакллантириш, нутқини ривожлантириш, ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик дидининг дастлабки куртакларини ҳосил қилишга қаратилиши лозим. Боғча ёшидаги болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари жадал равишда ортиб боради. Боғча ёшидаги болалар нутқни бир мунча тўла ўзлаштирганлари ва хаддан ташқари ҳаракатчанликлари туфайли уларда ўзларига яқин бўлган катта одамлар ва тенгдошлари билан муносабатда бўлиш эҳтиёжи туқилади.

Улар тор доирадан кенгроқ доирадаги муносабатларга интила бошлайдилар. Улар энди боғчадаги ўртоқлари ва кўни-кўшниларнинг болалари билан ҳам жамоа бўлиб ўйнашга ҳаракат қиладилар. Хамма нарсани билиб олишга бўлган эҳтиёж кучаяди. Боғча ёшидаги бола табиатига хос бўлган кучли эҳтиёжлардан яна бири, унинг ҳар нарсани янгилик сифатида кўриб, уни ҳар томонлама билиб олишга интилишидир.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий кўникмалар боланинг ижтимоий ҳётга мослашувида катта аҳамиятга эга бўлиб ижтимоийлашув бу ҳар бир инсоннинг ҳаётини тўла тўқис ташкил этиши учун зарурий кўникмаларга эга бўлишидир. Инсонни бошқа тирик жонзотлардан фарқи у хулқ-атвори ва мулоқотга киришувчанлиги билан фарқ қилади. Индивидни ижтимоийлашуви аввало оиладан бошланади. Илк ижтимоийлашув туғилгандан то етук шахс бўлгунича давом этади. Бола учун илк ижтимоийлашув жараёни муҳим бўлиб, у кейинги ҳаётида ижтимоийлашув учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Акрамова. Ф.А. Ижтимоий психология: ўқув қўлланмаси.-Т., 2007. -166 б.
2. Г.Тохирова Мактабгача ёшдаги болалар ижтимоийлашувига оид назариялар ссиенсе анд инноватион интернационал ссиентифис жоурнал волуме 1 ИССУЕ 6 УИФ-2022: 8.2 | ИССН: 2181-3337
3. С.Х.Жалилова “Ёш даврлари психологияси” Тошкент-2016 й.
4. Oribboyeva, D. D. (2020). SOCIAL COMPETENCE AS AN INTEGRAL PART OF THE TEACHER'S PROFESSIONAL MATURITY. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 2(11), 347-353.
5. Ориббоева, Д. Д. (2022). О'QUVCHILARNI KASB TANLASHGA YO'NALTIRISHDA IJTIMOIIY KOMPETENTLIKNI TA'SIRI: <https://doi.org/10.53885/edinres>. 2022.8. 08.045 Oribboyeva Dilafro'z Dadamirzayevna NamDU Psixologiya kafedراسi katta o'qituvchisi. Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (8), 314-318.

6. Oribboyeva, D. D. (2019). STUDY OF SOCIAL COMPETENCE IN PSYCHOLOGICAL RESEARCH. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 1(4), 288-292.

7. Ikromaliyevna, K. N., Muhammedovich, B. M., & Dadamirzayevna, O. D. (2019). Eastern thinkers about the phenomena of self-awareness. Journal of Critical Reviews, 7(2), 2020.

8. Ориббоева, Д. Д. (2019). THE INFLUENCE OF SOCIAL COMPETENS ON PROFESSIONAL CHOICE. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 1(9), 256-261.

9. Oribboyeva, D. D., & Ikromova, D. (2024). Aqliy rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolalar psixologiyasining o'ziga xosligi, aqli zaiflik turlari. Science and Education, 5(1), 287-291.

10. Oribboyeva, D. D. (2020). SOCIAL COMPETENCE AS AN INTEGRAL PART OF THE TEACHER'S PROFESSIONAL MATURITY. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 2(11), 347-353.

11. Камолова Азимахон Одилжон қизи. (2024). ИСЛОМ ДИНИ ТАЪЛИМОТИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДАГИ АМАЛИ АХАМИЯТИ. Results of national scientific research international journal, 3(1), 201-207. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10581873>

12. Камалова, А. (2021). THE IMPORTANCE OF USING GAME TECHNOLOGY IN THE PROCESS OF EDUCATION. Экономика и социум, (3-2), 12-14.

13. қизи Ахмедова, Д. С., & қизи Камолова, А. О. (2022). ЎСМИРЛАРДА МЕЪЁРДАН ХУЛҚИЙ ОҒИШ ХОЛАТЛАРИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИНГ АХАМИЯТИ. Евразийский журнал академических исследований, 2(3), 413-416.

14. Azimova, O. A. Q. (2023). Во'lajak o'qituvchilarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish jarayonlarida kasbiy mahorati. Science and Education, 4(6), 718-722.

15. Toxirova, G. (2022). МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИГА ОИД НАЗАРИЯЛАР. Science and innovation, 1(В6), 369-374.